

Шавкат ИКРОМОВ,
ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг
янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик
марказ таянч докторанти

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ЎЗГАРИШЛАР - БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ МЕДИА ТАРМОҒЛАРИДА

Ўзбекистондаги янгиланиш жараёнлари, ички ва ташқи сиёсат, диний, таълим ва бошқа бир қатор соҳаларда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар хориж медиа тармоғларида диққат билан кузатиб борилмоқда. Ўзбекистондаги ислохотларнинг хориж медиа тармоғларида ёритилиши, республика ҳақида муқаддам шаклланган стереотипларнинг ўзгаришида, унинг халқаро миқёсдаги ижобий образининг янгидан шаклланишида катта аҳамият касб этади. Мазкур мақолада ҳам хориж медиа тармоғларидаги Ўзбекистон образи араб давлатлари, жумладан Бирлашган Араб Амирликлари мисолида ўрганилди. Таҳлил учун Бирлашган Араб Амирликларининг медиа тармоғлари танланганлигини бир қанча омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, маълумки, сўнги йилларда Ўзбекистоннинг Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) билан ўзаро муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди. БАА Ўзбекистонга сармоя киритаётган давлатлар орасида етакчилардан бўлиб, ҳозирда икки давлат ўртасида умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларида ортиқроқ бўлган шартномлар мавжуд. Ўзаро муносабатларнинг яхшиланиб бораётганлиги БАА нашрларида ҳам ўз аксини топди. Ўзбекистондаги ўзгаришлар

ҳақидаги хабарларни БААнинг етакчи медиа тармоғларида мунтазам кузатиш мумкин бўлиб қолди.

Иккинчидан, Форс кўрфази медиа оламида БАА марказий ўрин эгаллайди. Халқаро воқеа ва ҳодисаларни тезкор шарҳлаш ва тарқатиш бўйича у катта имкониятларга эга. Шу билан бирга, БАА медиа тармоғининг вакиллари минтақанинг сиёсий муҳитига ҳам таъсир кўрсатиш кучига эга. Мамлакатдаги ҳукуматга қарашли ва хусусий газеталар ҳозирги замон технологик янгиликларига тез мослашади. Ҳар бир газетанинг интернет ва халқаро ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаси ва мобил иловаси мавжуд. Араб тилидаги Ал-Итиҳад, Ал-Бйан, Ал-Халиджд, Ал- Арабия инглиз тилидаги Gulf News, Khaleej Times ва Emirates Business 7/24 каби газеталарининг босма ва электрон нусхалари Форс кўрфази ва Яқин Шарқ минтақасида кўп сонли ўқувчиларга эга. Шунингдек, БАА халқаро медиа бозорда ҳам етакчи мавқеда бўлиб, Абу Дабидаги “Ажман медиа ситй” (AMCFZ) халқаро медиа бизнес ва ноширлик ишларига ихтисослашган Яқин Шарқ минтақасидаги ягона эркин иқтисодий ҳудуд ҳисобланади. Моддий техник таъминотнинг юқори эканлиги БАА медиа тармоғларининг тез ўсишига имкон бермоқда.

Учинчидан, Амирликларда нашр қилинадиган Ал-Бйан, Ал-Арабия каби газеталари нафақат араб, балки бутун мусулмон дунёсида ҳам катта аудиторияга эга бўлиб, мазкур газеталардаги Ўзбекистон контенти унинг мусулмон дунёсидаги ижобий образининг шаклланишида маълум аҳамият касб этади.

Ал-Итиҳад, Ал-Халиж, Ал-Бйан, Ал-Арабия, Ал-Фажр, Аврақ ва Ал-Амарат Ал-йвм каби газеталарда; Амирлик Ахборот Агентлиги (WAM) Ал-а'йн ахборот портали кабиларда Ўзбекистонда кечайтган ислохотлар ва янгилашни жараёнларига оид юздан ортик хабарлар ва таҳлилий мақолаларни учратиш мумкин. Мазкур мақолада юқорида номлари келтирилган газеталарнинг баъзиларидаги Ўзбекистонга оид 2016-2020 йил июль ойига қадар эълон қилинган контент таҳлил қилинди.¹ У қуйидаги кўринишда.

ОАВ номи	Ал Итхад الاتحاد	Ал Баян البيان	Ал Халиж الخليج	Ал Арабия العربية	ААА (WAM) وحالة أنباء الإمارات
Умумий хабарлар сони	174	92	78	86	187
Ўзбекистон ва Араб дунёси ҳамкорлик алоқаларига оид	87	34	38	23	90
Ўзбекистондаги ислохотлар 2016-2020	35	24	22	32	40
Ижтимоий маданий ҳаёт ва спорт ҳақида	52	34	18	31	57

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, сўнги йилларда БАА медиа тармоғларида Ўзбекистон контенти янгидан шаклланимоқда. Мамлакатимизга оид контентнинг катта қисмини Ўзбекистоннинг БАА билан икки томонлама муносабатларини ёритишга

қаратилган хабарлар ва таҳлилий материаллар ташкил қилади. Кейинги ўринларда сиёсат иқтисод соҳаларида амалга оширилаётган либерал ислохотлар, жумладан сўз ва матбуот эркинлиги ҳамда демократик сайловлар масаласига эътибор қаратилган. Шунингдек, диний соҳада амалга оширилаётган ишлар, диний таълим ва ислом қадриятларини асрашга оид хайрли ишлар ҳам БАА медиа тармоғларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Ўзаро муносабатларнинг ёритилиши; 2017 йил май ойида БАА ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири Шайх Абдулла бин Заид Ал Нахоянинг Тошкентга ташрифи ва 2019 йил 24-26 март кунлари Президент Ш.Мирзиёевнинг БААга ташрифи Ўзбекистон ва БАА муносабатлари ривожига янги босқични бошлаб беради. Амирлик медиа тармоғларида ҳам ўзаро муносабатлардаги янги тенденциялар доимий шарҳлаб келинмоқда.

Ал-Итиҳад, Ал-Бйан ва Ал-Халиж каби газеталардаги таҳлилий мақолаларда БАА Ўзбекистонни ўзининг ишончли ва муҳим ҳамкорларидан бири сифатида кўриб, у билан яқин алоқларни ўрнатишга интилаётганлиги айтилади. 2019 йил 24-26 март кунлари Президент Ш.Мирзиёевнинг БААга ташрифини мамлакатдаги барча етакчи газеталар кенг ёритди. Биргина Ал-Бйан ва Ал-Итиҳад газеталари ташриф тавсилотлари ва натижаларига оид 50 яқин хабарларни эълон қилди. Бу ўз ўрнида, БАА жамоатчилигида Ўзбекистон президентининг ташрифи катта кизиқиш ўйотганлигини билдиради.

Ал-Бйан “Муҳаммад бин Заид: Халифа бошчилигидаги БАА ҳукумати, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради².” - деб ёзади, Ўзбекистон президентининг БААга ташрифига оид мақоласида. Муҳаммад бин Рашид: “Ўзбекистон Президентининг ташрифи

¹ Келтирилган рақамлар муаллифнинг шахсий кузатувлари натижаси, улардан расмий статистик маълумот ўрнида фойдаланиб бўлмайди.

² <https://www.albayan.ae/across-the-uae/news-and-reports/2019-03-26-1.3520908> محمد بن زايد: الإمارات بقيادة خليفة تولي أهمية للتنمية التعاون مع أوزبكستان

яқинлашув учун янги уфқларни очмоқда³” - деб Халифа Шайх Мансур бин Зайд Ол Нахян сўзларидан иқтибос келтирилади яна бир таҳлилий мақолада. Мақола муаллифи БАА ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўзаро муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор масалалар ва мавзулар ҳамда томонлар ўртасидаги ҳамкорлик соҳаларини ривожлантириш ва кенгайтириш йўллари, иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли бўлган соҳаларда иқтисодий сармоявий шерикликка эришиш, икки биродар халқни бир бирларига янада яқинлаштириш масалаларини муҳокама қилганлиги тўғрисида ёзади.

Мақолаларининг муаллифлари ўз эътиборини сўнги йилларда Ўзбекистон ҳукумати очиклик сиёсатини юртаётганлигига, сармоядорлар ҳуқуқларининг кафолатлари бўйича қилинган ишларга, БАА Ўзбекистон муносабатларининг ривожланиб боараётганлигига ҳамда ҳамкорлик алоқаларининг устувор йўналишларига қаратади. Хусусан, Ўзбекистон президентининг Амирликларга ташрифидан сўнг икки давлат ўртасида энергетика ва инновацион ғоялар, медиа саноати ҳамда электрон ҳукумат борасида ҳамкорлик фаоллашиб бораётганлигини муаллифлар алоҳида шарҳлайди.

Жорий йилнинг апрель ойида шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Нахян билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёв ўртасида телефон мулоқотида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ҳолати, эришилган натижаларни тезроқ амалиётга жорий қилиш, ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинган. Шунингдек “COVID-19”га қарши курашдаги ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам масалалари ҳам гаплашилган деб хабар беради Амирлик Ахборот Агентлиги⁴ ўзаро ҳамкорлик алоқаларига оид мақоласида. Хулоса қилиб айтганда БАА медиа

³ <https://www.albayan.ae/across-the-uae/news-and-reports/2019-03-27-1.3521707> محمد بن راشد: زيارة الرئيس الأوزبكي تفتح آفاقاً جديدة لمزيد من التقارب

⁴ <http://wam.ae/ar/details/1395302835355> دياز نېدممھ في نيدلېلا دوھجو نواعتلا تاقلا ناتسكيزو سېنر عم ايفتاه تشبيو "انوروك" سوريف راشتنا ءاوتحا

тармоғларида ўзаро муносабатларнинг барча жиҳатлари кенг таҳлил қилиб келинмоқда.

Демократик сайловларнинг ёритилиши; Сўнги йилларда, Ўзбекистон сиёсий ҳаётида содир бўлган катта воқеликлар, жумладан, 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси президентлиги учун ва 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловлари араб матбуотида кенг ёритилган, жараёнлар етакчи экспертлар томонидан шарҳланган. Хусусан, Мисрнинг 30 та, Бирлашган Араб Амирликларининг 10 та, Саудия Арабистонининг 8 та ва Кувайтнинг 5 та босма ва электрон нашрларида сайлов жараёнлари шарҳлаб борилди.

Ал-Халйж, Ал-Бйан, Ал-Ватн, Ал-‘айн, Вкал анба’ Ал-амарат каби нашрларда, сайлов жараёнларига оид бир қанча материаллар эълон қилинган. Ал-Халйж сайлов олди компаниясининг эълон қилинишидан бошлаб, унинг якунларига қадар бўлган жараёнлар ҳақида бир қанча хабарларни нашр қилиб борди. Газетадаги сайловга оид туркум мақолаларда⁵, мамлакатдаги жорий сиёсий вазият, сайловчиларнинг сони ва сайловларни ташкил қилишдаги халқаро мезонларга амал қилиниш даражаси, очиклик ва ошкоралик масалалари ёритилган. Амирлик ахборот агентлиги (WAM) сайловлар ҳақидаги мақоласида мамлакатда демократик эркинликлар бошланаётганлигига урғу беради⁶.

Ал-Бйан, “Ўзбекистонда очиклик ва ислохотлар даври бошлангандан кейинги биринчи сайловлар бўлиб ўтмоқда” - деб ёзади⁷ ўзининг 2019 йил 22 декабрь сонидagi парламент сайловлари таҳлиliga бағишланган мақоласида.

Ал-Ватн, демократик мезонларга мос ўтаётган парламент сайловларни дунёнинг

⁵ <http://www.alkhaleej.ae/latestnews/page/b2ef331b-35ec-4f9f-9613-70a5326ac532> فتح مراكز اقتراع الانتخابات الرئاسية في أوزبكستان

⁶ <http://wam.ae/ar/details/1395302585985> فتح مراكز اقتراع الانتخابات الرئاسية في أوزبكستان

⁷ <https://www.albayan.ae/one-world/overseas/2019-12-22-1.3733431> أول انتخابات تشريعية منذ بدء برنامج الانفتاح والإصلاح في أوزبكستان

турли мамлакатларидан келган 600 га яқин кузатувчилар қаторида БАА кузатувчилари ҳам кузатганлиги, сайлов очиқлик таъмоиллари асосида, адолатли ташкил қилинганлиги ҳақида ёзади⁸.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган ҳар икки сайлов ҳақидаги хабарлар ва уларнинг таҳлилига бағишланган материалларда умумийлик бор эканлигини, уларнинг барчаси маҳаллий ахборот порталлари тарақатаётган хабарларга асосланишини кўриш мумкин.

Демократик ўзгаришлар ва очиқлик сиёсати ҳақидаги мақолалар;

БАА медиа тармоғларида сўнги йилларда, Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ислохотлар, очиқлик сиёсати, сўз эркинлиги ва диний ислохотлар ҳам ёритиб борилмоқда.

Ал-Бйан газетасидаги мақолалардан бирида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва сўз эркинлиги борасида республикада амалга оширилаётган ишлар ижобий баҳоланади. Мақола муаллифи ижобий ўзгаришлар билан бирга сиёсий соҳада амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг ҳали кўп эканлигига эътибор қаратади⁹.

Кўринишдан катта аҳамиятга эга бўлмаган, бироқ таҳлилда чуқур сиёсий мазмун, моҳиятга эга бўлган Ўзбекистондаги воқеа ва ҳодислар БАА матбуотида алоҳида эътибор билан шарҳланган. Хусусан, Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев буйруғига биноан, унинг ташрифи олдидан фасад ва кўчаларни безатиш тўхтатилди. Одатда ноҳуш манзараларни бекитиш, ҳақиқатни яшириш мақсадида кўчалар, кўчалар юзидаги иморотлар сунъий тарзда тўсиб қўйилар эди. Баъзан пахта далаларида ўқувчилар тўкилган пахталарни чаноқларга қайта қўйиб, Ислон Каримов келишига маҳобатли пахта далаларини тайёрлаб қўйишар эди¹⁰ - деб ёзади Ал-‘айн ахборот портали ўзининг мақолаларидан бирида.

⁸ في بقرارم تصيب كراشت "يظروا عاضة". اختياراملا ان طولا
ن. اتسكيز و أب. تعبير شتلا تاباختلا
<http://bit.ly/2U6x257>

⁹ <https://www.albayan.ae/one-world/overseas/2019-12-22-1.3733431>
أول انتخابات تشريعية منذ بدء برنامج الإصلاح في أوزبكستان

¹⁰ <https://al-ain.com/article/uzbekistan-street-decorating-shukat-mirdaiyev>
وقف تزيين الشوارع في أوزبكستان
بأمر الرئيس

Ал-‘айн мамлакатдаги тўй маросимлари борасидаги ислохотларга ҳам эътибор қаратган. “Ўзбекистон тўйлардаги исрофгарчиликларга қарши курашмоқда” - деб ёзади, тўйларни ўтказиш бўйича янги тартибини шарҳлаган порталининг муҳбири. “Гарчи пойтахт Тошкентда ёки Марказий Осиёдаги бошқа йирик шаҳарларда ўртача даромад ойига 200 дан 300 АҚШ долларигача бўлса-да, келин ёки куёвнинг оилалари тўй учун тахминан 20 000 доллар сарфлашлари мумкин ва бу маблағлар кўпинча дўстлар ва қариндошларидан қарз олиш орқали жамланади”¹¹.

Газеталардаги хабарлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда кечаётган янгиланишлар ва ўзгаришлар, давлат ва жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеликлар БАА матбуотининг эътиборида бўлиб келмоқда. Жараёнларга оид таҳлилий материалларда ислохотларга нисбатан хайри ҳоҳлик уни қўллаб қувватлаш кайфияти сезилиб туради.

Хулоса

Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги муносабатларнинг фаоллашиб бораётганлиги БАА медиа тармоғларида Ўзбекистон образининг янгидан шаклланишига олиб келди. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг БАА медиа маконидаги образи ўзаро муносабатлар динамикасига боғлиқ. Ҳозирги кунда у ёрқин ва ижобий образда намоён бўлмоқда.

Республиканинг иқтисодий, энергетик ва сайёҳлик имкониятлари ҳақида Амирликларнинг етакчи нашрларидаги хабарлар ва таҳлилий материалларнинг кўпайиб бориши, Амирлик халқига ва у ердаги бизнес доираларга Ўзбекистонни янада яқинлаштиради. Қолаверса узок йиллар давомида, Ўзбекистон ҳақида шаклланган баъзи стереотипларни ўзгартиришда ҳам БАА матбуотида Ўзбекистондаги ислохотлар ҳақидаги хабарларнинг кўпайиши ижобий аҳамият касб этади.

¹¹ <https://al-ain.com/article/uzbekistan-lavish-weddings-flings>
أوزبكستان تحارب بذخ حفلات الزفاف بتحديد عدد المعازيم